# Тошкент ҳақиқати

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси**

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

1992 йил 14 ноябрь ● шанба

№ 158 (10.407). Баҳоси 3 сўм.


# БОР ҲОСИЛНИ ТЕЗРОҚ ЙИҒИБ ОЛАЙЛИК!

● *92-ЙИЛ ҲОСИЛИ*




● ***Режани бажарганларни қутлаймиз!*** ●

13 ноябрғача вилоятимизда 278 минг 269 тонна пахта тайёрланди. Ўтган куни вилоят далаларида салкам 3,5 минг тонна пахта териб олинди.

Ўртачирчиқликларга офарин! Улар бир кунда 1,65 фоиз пахта тайёрладилар. Пискент, Янгийўл районлари ҳам кунлик ўсишда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Лекин маррага яқинлашиб қолган Бўка ва Бекобод районларида суръат пасайиб кетди.

## ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ С. СЕГИЗБОЕВ НОМЛИ ДАВЛАТ ХУЖАЛИГИ

**● Кейинги кунларда оққўрғонликлар барча куч, имкониятларини, техника воситаларини сафарбар этиб, йиғим-теримда илгарилаб кетдилар ва пахта тайёрлашда районлар ўртасида иккинчи ўринга чиқиб олдилар. Бунда С. Сегизбоев номли йирик давлат хўжалигининг ҳиссаси каттадир.**

(Давоми 2-бетда)

ВИЛОЯТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 13 НОЯБРГАЧА БУЛГАН

## МАЪЛУМОТ

**(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)**

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машинада бир кунда терилган пахта, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Бўка | 0,85 | 93,94 | 0,29 | 89,35 |
| Оққўрғон | 1,01 | 92,84 | 0,53 | 80,09 |
| Бекобод | 0,90 | 91,36 | 0,25 | 68,94 |
| Чиноз | 1,12 | 85,40 | 1,57 | 85,90 |
| Ўртачирчиқ | 1,65 | 85,12 | 0,89 | 66,64 |
| Қуйичирчиқ | 0,61 | 83,56 | 0,20 | 82,09 |
| Юқоричирчиқ | 1,18 | 83,29 | 0,43 | 83,60 |
| Пискент | 1,31 | 78,88 | 0,38 | 43,11 |
| Янгийўл | 1,36 | 77,76 | 0,87 | 51,92 |
| Вилоят бўйича | 1,08 | 87,14 | 0,50 | 73,44 |




**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ энг катта корхоналардан бири — «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз юбилейини нишонламоқда. 11 ноябрь куни тракторсозлар маданият саройида шу воқеага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Бу ерга меҳнат фахрийлари, илғорлар келишди. Йиғилиш қатнашчиларига бирлашма ҳужжатли киносолномасидан парчалар кўрсатилди. Сўзга чиққан кишилар корхона тарихининг муҳим босқичлари тўғрисидаги хотираларини сўзладилар, Жамоанинг истиқболлари, вазифалари тўғрисида гапирдилар.**

**Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Р. Ражабов, Тошкент шаҳрининг ҳокими А. И. Фозилбеков, бошқа расмий кишилар қатнашдилар.**

**(ЎзА мухбири).**




## Тошкент трактор заводи—50 ёшда



**● «ТОШКЕНТ трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз юбилейини нишонламоқда. Суратларда: тўй тантаналаридан лавҳалар.**

**Суратчи А. ЗУФАРОВ. (ЎзА).**

## ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

12 ноябрь куни Исроил давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Мей-Оми мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи ўзбек ва яҳудий халқлари қадимий Осиёнинг маданиятидан баҳраманд бўлган миллатлар сифатида кўп асрлардан бери ўзаро алоқа қилиб келдилар, Исроил давлати билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилиши мамлакатларимиз ўртасида маданий, илмий ва иқтисодий ҳамкорликка кенг йўл очади, деб ишонтирди.

Ислом Каримов мамлакатнинг сиёсий мавқеи унинг ҳудуди катта-кичиклиги билан белгиланмайди, деди. Исроил раҳбарияти Ўрта Осиё муаммоларини яхши тушунади, бинобарин, юксак илмий-иқтисодий имкониятларга эга бўлган Исроил давлати келажакда Ўзбекистон Республикасининг доимий ҳамкорига айланажак, деб умид билдирди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов ҳозир бўлди.

## ● Режани бажарганларни қутлаймиз! ●

## ● 92-ЙИЛ ҲОСИЛИ ●

(Боши 1-бетда).

● ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР! Вилоятимизда режа бажарилиши учун яна 42 минг тоннага яқин ҳосил териб олиниши керак.

● Айни кунларда қишлоқдаги меҳнатга қобилиятли, ор-номусли ҳар бир одамнинг ўрни далададир.

● Ҳашарчилар мададидан унумли фойдаланайлик.

● Хўжаликлардаги кўсак чувиш ва кўсак териш машиналари тўла қувват билан ишласин. Қирқига чидадик, қирқ бирига ҳам чидайлик. Яна бир зўр берсак, ғайрат кўрсатиб меҳнат қилсак, марра, албатта эгалланади.

Сегизбоевликлар 3 минг гектардан ортиқ майдонда пахта етиштирдилар. Ерни экишга тайёрлашдан бошлаб, ҳосил йиғим-теримигача бўлган ишларда техникалардан самарали фойдаландилар. Айни йиғим қизғин кунларда машиналар тўла қувват билан ишлатилди. Қишлоқдаги аҳоли дала ишларига тўла сафарбар этилди. Теримчиларга ҳам, механик-ҳайдовчиларга ҳам, хуллас, пахта йиғим-теримига даҳлдор бўлган ҳар бир кишига ҳақ ўз вақтида тўлаб борилди — моддий манфаатдорликка катта эътибор берилди. Мана, бугун натижа қувончли бўлиб турибди. Хўжалик режадаги 8860 тонна ўрнига 9 минг тоннадан ортиқ пахта топшириб, маррани барвақт эгаллади. Машиналар билан мўлжалдаги 6208 тонна ўрнига 7266 тонна пахта йиғиб олинди. А. Асрорқулов, Р. Мирзақулов ўртоқлар бошлиқ бўлимларда ҳосилдорлик 30—31 центнерга етди. Турғун Нафасов, Мадали Ғофуров, Алижон Ғойипов сингари ўртоқлар бошлиқ жамоалар ҳам теримда яхши натижаларга эришдилар.

Сегизбоевликлар суръатни бўшаштирмасликка, далада қолган ҳосилни сўнгги граммларгача йиғиб-териб олишга аҳд қилиб, астойдил меҳнат қилмоқдалар.

### ЎРТАЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ «ҲАҚИҚАТ» ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ

● ЭНГ йирик хўжаликлардан ҳисобланган «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари 1111 гектар майдондан 3 минг тонна пахта топшириб йиллик режани ортиғи билан адо этдилар. Маррани эгаллашда фидойилик кўрсатиб ишлаган Аббос Шаропов, Мухтор Қулбеков, Ғофир Отақулов бошлиқ бригадалар пешқадамлик кўрсатишди.

Мавсумда ҳар бири 100—110 тоннадан пахта териб хирмонга барака киритган Турғун Тошев, Қаршибой Бозорбоев, Эгамберди Холбоев сингари механик-ҳайдовчилар ҳамон ишни қизғин давом эттирмоқдалар.

— Ҳали далаларда ҳосил мўл,— дейди суяги меҳнатда қотган, тажрибали раис Қозоқбой Соттибоев, — яна давлатга қўшимча 300 тоннадан зиёд ҳосил топшириш ниятидамиз.

(Мазкур хўжалик қўлга киритган ютуқлар ҳақида газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида ўқийсиз).

### ҚЎШИМЧА 100 ТОННА

● БЎКА. «Бўка» давлат хўжалигининг С. Дўйсенбоев бошлиқ 1-бўлими 425 гектар ерда пахта етиштирди. Улар йиғим-теримни ташкил этишда карвонбошилик қилдилар. Ҳар кун, ҳар соатдан унумли фойдаландилар. Айниқса механик-ҳайдовчилар меҳнати самарали бўлди. Оқибатда бўлим режасини барвақт уддалади. 887 тонналик хирмон бунёд этилди. Бу мўлжалдагидан анча кўпдир. Бўлим деҳқонлари яна 100 тонна пахта топширишга сўз бердилар.

### ТАЖРИБАЛАРИ ҚЎЛ КЕЛДИ

● ЯНГИЙЎЛ. «Ўзбекистон» машина синаш станцияси тажриба далаларида ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштирилди. Бу ҳосилни йиғиб-териб олишда асосан техникадан фойдаланилди ва режа бажарилди. Ҳосилдорлик 26,7 центнерни ташкил этди. Н. Суюнов, С. Усмонов сингари механик-ҳайдовчилар катта маҳорат кўрсатиб меҳнат қилдилар.

### БАРАКАСИНИ БЕРДИ

● «ҚОВУНЧИ» жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳам маррага тобора яқинлашиб бормоқдалар. Режани бажараётган бригадалар сони кўпаймоқда. Ана шулардан бири кекса ва тажрибали деҳқон Юсуф Туймабоев бошлиқ бригададир. Бу бригада ҳар йили, ҳар қандай шароитда ҳам режасини муддатидан илгари бажаришга одатланган. Бунда бригадирнинг катта ҳаётий тажрибаси, ишбилармонлиги қўл келмоқда. Ҳозиргача бу бригадада ҳосилдорлик 30 центнерга етиб қолди. Бу режадагидан анча кўпдир. 90 фоиз пахта машинада терилди.

— Баракасини берса яна анча пахта топширамиз,— дейди Юсуф ака,— ана шунда ҳосилдорлик 33 центнерга етади.

Райондаги А. Ортиқов номли колхознинг Эргаш Асронқулов бошлиқ бригадаси ҳам режага қўшимча пахта топширмоқда. Улар шу кунгача ҳосилдорликни 28 центнердан ошириб юбордилар.



● БЎКА районидаги «Бўка» давлат хўжалигининг илғор фермерларидан бири —Тўлабой Отабоев жамоаси йиллик пахта тайёрлаш режасини адо этиб, мажбурият юзасидан «оқ олтин» топширмоқда. Суратда: (чапдан ўнгга) жамоа аъзолари Д. Бухорбоев, Б. Имонбердиев, М. Эсенбоев, А. Жўрабеков, фермер Т. Отабоев, сувчи У. Абдураҳимовлар.

Сураткаш: Ж. ҲАМРОҚУЛОВ.

## САНЪАТКОРЛАР МАДАД БЕРМОҚДА

ТЕРИМ бошланган дастлабки кунларданоқ Ўртачирчиқлик маданият ходимлари ўз хизматларини пахта далаларига кўчиришган. Жумладан, район маданият уйи бадиий ҳаваскорлари вақти-вақти билан «Янги турмуш», «Ўртасарой» жамоа хўжаликлари пахтакорлари ҳузурида бўлишиб, уларга концерт дастурларини тақдим этмоқдалар. Бундан ташқари «Ўртасарой» қишлоқ маданият уйининг мудири Нишон Мадалхонов раҳбарлигидаги, Қорасув қишлоқ маданият уйи раҳбари Астров бошчилигидаги ҳаваскор санъаткорлар «Янги тўлқин», Акмал Икромов номли хўжаликларда ўз концерт гулдасталари билан ҳашарчи пахтакорларни хушнуд этиб келмоқдалар.

Камола ҒАФФОР қизи.

## ● Сабзавот:

## ИККИ ХУШ-ХАБАР

● БЎСТОНЛИҚ райони боболеҳқонлари ҳам йилбошида берган ваъдаларининг устидан чиқишди. Давлатга 60 минг 500 тоннадан кўпроқ сабзавот топширилди. Шундан 34 минг 486 тоннаси пиёздир. Бу йиллик режанинг 139 фоизини ташкил этади. Ёки режадагидан қарийб 10 минг тонна пиёз кўп топширилди демакдир. Карам етиштиришда ҳам яхши натижаларга эришилди. 9356 тонна ҳосил олиниб, режа 122 фоизга адо этилди. Шунингдек, давлатга 424 тонна бодринг, 15 минг 41 тонна помидор сотилди. Йиллик сабзавот топшириш режасини бажаришда М. Боймирзаев номли, «Енбек», «Янгиовул», «Паргос» жамоа хўжаликлари деҳқонлари, айниқса, катта улуш қўшдилар.

● ПИСКЕНТ районида режадаги 26 минг тонна ўрнига 26 минг 150 тонна сабзавот маҳсулотлари топширилди.

Кўпгина хўжаликлар режанинг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар. «Қирққизобод» жамоа хўжалигида 1200 тонна ўрнига 1405 тонна, «Ўзбекистон мустақиллиги» хўжалигида 1200 тонна ўрнига 1481 тонна сабзавот етказиб берилди.

Охунбобоевликлар ҳам сабзавот режасини бажаришда анча юқори кўрсаткичга эришдилар.

Район сабзавот далаларида қолган ҳосилни йиғиб олиш қизғин давом этяпти. Пискентликлар ўз имкониятларини чамалаб яна 3500 тонна сабзавот топширишни режалаштирдилар.

## ХАЙРИЯ ЎН КУНЛИГИ БОШЛАНДИ

Тошкент вилоят ҳокимлигининг қарори билан декабрь ойининг биринчи ўн кунлиги вилоят Қизил Ярим ой жамияти жамғармасига маблағлар тўплаш ўн кунлиги, деб эълон қилинди. Бу қарор оддий ҳужжат бўлиб қолмай вилоятда Қизил Ярим ой жамиятини яқин вақт давомида ривожлантириш негизи дастури ҳисобланади.

Вилоятимизда шу хайрия марафони бошланди. Уни Ангрен шаҳри бошлаб берди. Ўтган чоршанба куни А. Навоий номидаги маданият саройида ўн кунликнинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Шаҳар Қизил ярим ой жамияти раиси К. Алимова ҳикоя қилганидек ангренликлар шаҳарда бундай ташкилот фаолият кўрсатаётганлигини яхши биладилар. Жамият 400 нафар ёлғиз кексаларга, 320 нафар кўп болали, кам таъминланган оилаларга, етим болаларга, ногиронларга ҳомийлик қилмоқда. Бундан бир ярим йил илгари тоғнинг сурилиши Жигаристонга катта талафот келтирганда табиий офатдан кейинги дастлабки соатларда Қизил ярим ой жамияти ходимлари воқеа содир бўлган жойга етиб келдилар ва зарар кўрганларга амалий ёрдам кўрсатишга киришдилар.

Ангренда Қизил ярим ой жамияти катта обрўга эга. Шунинг учун ҳам корхоналар ва айрим фуқаролар даъватга жон-диллари билан «лаббай» деб жавоб бердилар. Ангрен кўмир разрези корхонаси кенгаши шаҳар Қизил ярим ой жамияти жамғармасига 400 минг сўм ўтказишга қарор қилди. Ангрен олтин қазиб чиқариш кони 250 минг сўм берди. Ҳокимликнинг маданият бўлими ва 1-шаҳар касалхонаси ходимлари ўзларининг бир кунлик иш ҳақларини шу жамғармага ўтказдилар. Ангрен ҳокимлиги шаҳар йиллик бюджетининг бир фоизини шу жамият ҳисобига ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Ангренда ўн кунлик очилиши тантаналарида Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти раисининг ўринбосари А. Т. Ғуломов ва Тошкент вилоят Қизил ярим ой жамиятининг раиси Ф. Ш. Латиповалар қатнашдилар.

**Ўн кунликда қатнашишга қарор қилганлар учун Тошкент вилоят Қизил Ярим ой жамиятининг ҳисобини маълум қиламиз: Тошкент шаҳар саноат-қурилиш банки Меҳнат бўлинмасида код 172682315 ҳисоб 000700853.**

